

Абулқосимов Ҳ.П.,

Ўзбекистон Миллий университети
«Иқтисодиёт» факультети «Иқтисодиёт
назарияси» кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори;

Абулқосимов М.Ҳ.,

магистр, Тошкент иқтисодиёт коллеки
ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П., АБУЛҚОСИМОВ М.Ҳ. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерларнинг ҳолати таҳлил қилиниб, уларнинг қисқариб бориши сабаблари ўрганилган. Унда қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш масалалари ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастурлари таҳлил қилиниб, улардан янада самарали фойдаланиш бўйича тегишли таклифлар келтирилган.

Таянч иборалар: қишлоқ хўжалиги, ер, ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги ерлари, суғориладиган ерлар, мелиорация, ирригация, ерларнинг мелиоратив ҳолати, ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

АБУЛКАСИМОВ Ҳ.П., АБУЛКАСИМОВ М.Ҳ. ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

В статье приведен анализ состояния используемых земель в сельском хозяйстве Узбекистана. Изучены причины их сокращения. Рассматриваются вопросы целевого и эффективного использования орошаемых сельскохозяйственных земель, а также программы мероприятий по улучшению их мелиоративного состояния. На основе этих анализов, приведены соответствующие предложения по дальнейшему повышению эффективности их использования.

Ключевые слова: сельское хозяйство, земля, земельные ресурсы, сельскохозяйственные земли (угодья), сельскохозяйственные орошаляемые земли, мелиорация, ирригация, мелиоративное состояния орошаляемых земель, целевая и эффективное использования земель.

ABULKASIMOV KH. P., ABULKASIMOV M.KH. THE ISSUES OF AGRICULTURAL LAND OF UZBEKISTAN EFFECTIVELY IMPLEMENTATION

There is provided in the article analyses of agricultural land of Uzbekistan implementation efficiency. As well there is discussed the reasons the agricultural land areas shortening. On the basis of analyses above, there is provided proposals for developing programs of agricultural land's melioration.

Keywords: agriculture, land, soil resources, agricultural soil, irrigated agricultural lands, melioration, irrigation, ameliorative position of watering soil, purposely and effectively using of soil.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиши ниҳоятда долзарб муаммо ҳисобланади. Суғориладиган ва лалми ерлар ҳолатини яхшилаш ва улардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш шу куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Маълумки, биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир»¹, деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси чегаралари доирасидаги ерлар майдони 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига 44896,9 минг гектарни ташкил қилди. Республикамизнинг 505,5 минг гектар ерларидан қўшни Марказий Осиё давлатларининг корхона ва ташкилотлари, қўшни давлатларнинг 18,9 минг гектар ерларидан республикамиз корхона ва ташкилотлари фойдаланади. Шундай қилиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқаролари фойдаланишида жами

44410,3 минг гектар ер (заҳира ерлар билан ҳисобланганда) мавжуд. Шундан суғориладиган ерлар 4312,2 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,7%ини ташкил этади². Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фойдаланаётган ерлар майдони 1990 йилга нисбатан 2013 йилга келиб 12686,5 минг гектарга, яъни 38,2%га камайган. Қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар майдонларининг камайиши республика ҳудудида яйлов ерларнинг ўрмон ер тоифаларига ўтиши муносабати ҳамда бошқа тоифадаги ерлар майдони ошиши ҳисобига рўй берган. Таҳлил даврида саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерлар майдонлари 2 баробарга камайгани ҳолда, аҳоли пунктлари ерлари 8,5%га, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларида фойдаланадиган ерлар 5,5 баробарга, ўрмон фонди ерлари 3,8 баробарга, сув фонди ерлари 34,3% га, заҳира ерлар 68,7% га кўпайди. Умуман олганда, ер фонди умумий майдонининг 1174,7 минг гектарга, яъни 2,6%га камайиши фақат узоқ муддатга фойдаланишга олинган яйлов ерларининг чегарадош давлатларга қайтариб берилганлиги сабабли келиб чиққан³.

² Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш масалалари, ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари. // Ирригация-мелиорация тадбирларини янада ривожлантириш масалалари. – Т., 2014. -3-6.

³ Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида тегишли йиллар бўйича миллий ҳисоботлари материаллари; Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш масалалари, ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари. // Ирригация-мелиорация тадбирларини янада ривожлантириш масалалари. – Т., 2014. -3-6.

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчили давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

Энг юқори унумдорликка сазовор қишлоқ хўжалик ер турларидан бири бу – суғориладиган ерлар бўлиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради. Суғориладиган экин ерларнинг майдони Республика бўйича 2013 йил 1 январь ҳолатига 3305,2 минг гектар ёки суғориладиган ерларнинг 76,6 фоизини ташкил этган. Аммо 1990-2013 йилларда уларнинг майдони 102,1 минг гектарга, яъни 2,7% га камайди. Республикамизда суғориладиган экин майдонлари 1998-2013 йиллар мобайнида вилоятлар миқёсида ўзгариб борган. Суғориладиган экин ерлари Хоразм (12,4 минг га), Сирдарё (10,1 минг га), Самарқанд (9,6 минг га), Фарғона (7,8 минг га) вилоятларида камайган бўлса, Жizzах, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бирмунча кўпайган. Бу асосан янги бўз ерларни ўзлаштириш эвазига эришилган. 2013 йилга келиб жами суғориладиган экинзор майдонларининг 55,7 фоизи қуи Амударё воҳасида жойлашган. Шу ҳудудда Республика миқёсида энг катта суғориладиган экин майдонига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилояти жойлашган. Уларнинг ҳар бирида Республика суғориладиган экинзорларининг 12,8 фоизи мавжуд. Республиканинг жами суғориладиган экинзорларининг 44,3 фоизи Сирдарё воҳасида жойлашган¹.

Қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш субъектлари фермер хўжаликлари бўлиб, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра уларнинг умумий сони 71552 тани ташкил этди. Республикамизда фермер хўжалик-

¹ Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. – Т., 2007. -12-б; Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. - Т., 2014, -17-б.

ларига ажратиб берилган умумий ер майдони 5886,6 минг гектарни, шу жумладан, экин ерлар 3546,0 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 281,8 минг гектар, бўз ерлар 33,5 минг гектар, ялов ва пичанзорлар 1361,2 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерлар 664,1 минг гектарни ташкил қилди².

Ердан тўғри фойдаланишнинг бош стратегияси ер ресурслари ҳолатини ўрганиш, уларнинг миқдори ва сифатини белгилашдан иборатdir. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 539-сонли Қарори (хужжат ўз кучини йўқотган) асосида республиканинг 8 та вилоятидаги 102 та туманда тупроқ изланиш ишлари бажарилди. 2001-2002 йилларда Андикон, 2002-2003 йилларда Сурхондарё, 2011 йилда Бухоро, 2012 йилда Хоразм, 2010-2011 йилларда Фарғона ва Наманган, 2012 йилда Қашқадарё вилоятларидағи хўжаликларда тупроқ изланиш ҳамда баҳолаш ишлари бажарилди. Бу ишлар тупроқ унумдорлигини ифодаловчи ерларнинг балл-банитети кейинги йилларда пасайиб кетганлигини кўрсатмоқда. Республика қишлоқ хўжалигида фойдаланилайдиган ерларнинг сифати пасайиши оқибатида 1991-2013 йилларда ўртача балл-банитети 58 дан 55 га, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 10 пунктга, Сурхондарёда 8 пунктга, Наманган ва Тошкент вилоятларида 7 пунктга камайган. Фақат Хоразм вилоятида ер балл-банитети ўзгаришсиз қолган.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда 2014 йилга келиб суғориладиган ерларнинг қарийб 8,7 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмонлашган бўлиб, бу аввало, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ва минераллашган ер ости сувларининг кўтари-

² Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. - Т., 2013. -29-б.

лиши билан боғлиқдир. Тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг мутахассислари томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра республика бўйича жами 374,8 минг гектар суғориладиган ерларнинг ҳолати ёмонлашган эканлиги аниқланган. Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерлар Қорақалпоғистон Республикасида энг юқори (26,1%), Жиззах (12,4%), Хоразм (9,5%) вилоятларида ҳам юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич Тошкент (3,4%), Сирдарё (3,5%) вилоятларида бошқа минтақаларга нисбатан анча паст даражададир. Шу билан бирга суғориш меъёрлари ва муддатларининг бузилиши ва тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, эрозия таъсири, кучли шўрланиши, гипслациши ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (оборот)дан чиқиб қолган суғориладиган ва лалми экин ерлар, яъни бўз ерлар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда бўз ерларнинг умумий ер майдони 80,4 минг гектар бўлиб, шундан суғориладиган зонада 47 минг ва лалмикор ерлар 33,4 минг гектарни ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикасида бўз ерлар 10,2 минг гектарни, яъни уларнинг умумий майдонининг 12,7% ни ташкил этади¹.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва таркибий ўзгартиришлар натижасида мавжуд экин экиладиган ерлардан фойдаланиш бирмунча яхшиланди. Ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши туфайли ялпи ҳосил ва ҳосилорлик ўсиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида дехқончиликнинг асосий экинлари бўлган донли экин майдонлари, 2000-2013 йилларда 1,8% га ўстани ҳолда, дон маҳсулотлари ишлаб чиқарishнинг 198,7% га,

яъни қарийб 2 баробарга ва уларнинг ҳосилорлиги 1,5 баробарга яқин ўсган. Пахтачиликда ер майдонлари 9,4%га камайгани ҳолда, пахта хом ашёсини етишириш 23,7%га, ҳосилорлик эса гектарига 21,8 центнердан 26,2 центнерга, яъни 20,2%га ўсди. Республикаизда картошка экин ерлари майдони 45,8%га, ялпи ҳосил ҳажми 3 баробардан зиёдга, ҳосилорлик эса 62,9%га ўсди. Сабзавот экин майдонлари 41,4%га, ялпи ҳосил 3,2 баробарга, ҳосилорлик 47,3%га ошган. Полиз экинлари ер майдонлари 45,5%га ҳамда ялпи ҳосил ҳажми 3,4 баробарга ва ҳосилорлик 51,1%га кўпайди².

Юртбошимиз 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasида таъкидлаганидек, 2014 йилда Андижон, Косонсой, Чорток, Ўрта Чирчиқ, Ўзбекистон ва Бувайда туманларида пахта экин майдонлари қисман қисқартирилди, Асака, Янгийўл ва Жомбой туманларида пахта экишдан бутунлай воз кечилди. Шу асосда пахтадан бўшаган 30 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерда дон экинлари, сабзавот, картошка етишириш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 2012-2014 йилларда пахта етишириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етишириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етишириш қарийб 21 фоизга ўсди. 2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан б миллиондан зиёд

¹ Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самараали фойдаланиш масалалари, ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари. // Ирригация-мелиорация тадбирларини ўтказиш ва сув хўжалигини янада ривожлантириш масалалари. – Т., 2014. -10-6.

² Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. 2005 йил. – Т., 2006. -75, 84-85-6; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2008. -250-252-6; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2013. -226-228-6; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014. -86-90-6.

кўчат олиб келинди. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олинган ва ҳосилдорлик йил сайн кўпайиб бормоқда¹.

Демак, қишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонлари камайишига қарамасдан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳосилдорлик ўсиб бориш тенденцияси юз бермоқда. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг тобора кўпайиб, мавқеининг ошиб бораётганлиги, шунингдек, уларда ерга хўжайинлик ҳиссининг шаклланиб, ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади. Аммо, қишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонларининг камайиб бораётганлиги қаровсиз, экилмаган ер майдонлари улушкининг ўсиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилорлигини янада ошириш, хўжалик субъектлари фаолияти рентабеллигини ошириш зарурияти муҳим иқтисодий ресурс (омил) бўлган чекланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни яхшилаш учун биринчидан, мелиоратив ҳолати яхшиланиб унумдорлик даражаси сақланган ва кўтарилиган ерлар ҳолатининг ёмонлашишига йўл қўймасдан, уни янада ошириш, иккинчидан, мелиоратив ҳолати ёмон суғориладиган ерлар унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш чораларини кўриш лозим бўлади.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябр-

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

даги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли фармони, 2008 йил 19 мартағи «2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-817-сонли қарорига мувофиқ кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Мазкур дастурга мувофиқ мелиоратив ишларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 750 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси ҳамда 49 та давлат унитар корхоналари ташкил этилди.

Дастур асосида 2008-2012 йилларда 3,56 минг км коллектор-дренаж тармоқлари, 143 дона мелиоратив насос станциялари, 797 дона вертикал дренаж қудуқларида реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 67205 км очиқ ва ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 5407 дона вертикал дренаж қудуқлари, 194 дона мелиоратив насос станциялари, 5426 та қувурли ўтиш жойларида тизимли равишида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан 2008-2012 йилларда етказиб берилган техникалар 1450 тани ташкил қилиб, уларнинг 600 таси экскаватор, 180 таси бульдозер, 670 таси бошқа техникалардир².

Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярминдан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада,

² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайды, кучли ва ўртacha шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир»¹, деб таъкидлаган.

Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур 2013-2017 йиллар давлат Дастури доирасида 2333 км суғориш тармоғини ва 143 дона насос станциясини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 29258 км суғориш тармоғи, 21146 дона гидропостлар, 45549 дона гидротехник иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, 5109 км коллектор-дренаж тармоқлари, 35 дона мелиоратив насос станциялари, 907 дона вертикал дренажлар қурилади ва реконструкция қилинади. 83589 км коллектор-дренаж тармоқлари, 3639 дона тик дренаж, 126 дона мелиоратив насос станциясида таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, 836 дона янги мелиоратив техника, жумладан, 303 дона экскаватор, 109 дона

бульдозер, 424 дона бошқа техника ва механизмларни харид қилиш белгиланган. 2013 йилда ушбу давлат Дастури доирасида 849 км коллектор-дренаж тармоқлари, 13 дона мелиоратив насос станциялари, 109 дона вертикал дренажлар қурилди ва реконструкция қилинди. 12481 км коллектор-дренаж тармоқлари, 12 дона мелиоратив насос станцияси, 589 дона вертикал дренажда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди, шунингдек, 204 дона янги мелиоратив техника харид қилинди².

Республикада ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигида яроқли ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ерга оид муносабатларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ҳамда ҳақиқий ҳолати бўйича мониторингини юритиш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги экинларини ўз муддатларида сифатли экилиши, парваришлиниши, агротехник тадбирларнинг бажарилиши, ёзги ва кузги шудгорлаш тадбирларини белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг барча минтаقا ва ҳудудларида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида 2020 йилгача мўлжалланган минтақавий дастур ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- минтақаларда ихтисослаштирилган ирригация-мелиорация қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, корхоналарини ташкил этишни янада рафбатлантириш тадбирларини амалга ошириш; ер тузиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Мажхамасининг мажлисидаги маъруzasи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

ишларида иштирок этаётган қурилиш ташкilotлари, фермер ҳўжаликларига солик тўлаш, кредит олишда қўшимча имтиёзлар тизимини жорий қилиш;

- қишлоқ ҳўжалиги экинларини алмашлаб экишнинг илмий асосланган схемасини миintaқанинг табиий хусусиятига мослаг ишлаб чиқиш, унга қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;

- ерлардан фойдаланишда ҳўжаликлар ва фуқароларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида ер майдонларини назоратини кучайтириш, ердан унумсиз, ноқонуний, нооқилона фойдаланилганлик учун жавобгарликни ошириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2012, -11-б.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. – Т., 2007.
4. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. – Т., 2013.
5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. – Т., 2014.
6. Қишлоқ ҳўжалигига ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш масалалари, ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш чоратадбирлари. // Ирригация-мелиорация тадбирларини ўтказиш ва сув ҳўжалигини янада ривожлантириш масалалари. – Т., 2014.
7. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. 2005 йил. – Т., 2006.
8. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Т., 2008.
9. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. – Т., 2013.
10. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014.
11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги маълумотлари. 2013.